



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 26 ноябрь, № 244 (7474)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Давлат хизматлари марказлари:

ИННОВАЦИОН ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ



ДХМ томонидан кўрсатилган давлат хизматлари турларининг ўсиши (республика бўйича)

2017 йил — 37 турда;
2018 йил — 106 турда;
2019 йил — 120 турда;
2019 йилда 2017 йилдагига қараганда 3,3 баравар ошган.
2020 йилда — 160 турдан ошириш режалаштирилган.

Давлат хизматлари кўрсатилган фуқаролар сони (жорий этилган жами хизмат турлари бўйича)

2017 йил — 120 минг;
2018 йил — 4,9 миллион;
2019 йил 9 ойида — 8,9 миллион.
2019 йилда 2017 йилдагига қараганда 74,2 фоиз ўсди.



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Янгиланаётган Ўзбекистон одимлари

Кўпчиликнинг ёдида, бундан 4-5 йил аввал одамлар бирор фаолият юзасидан ишини битиргунча ҳали у ташкилотга, ҳали бу идорага югуриб ҳужжат йиғарди. Турнақатор навбатда туриб "справка" олиш ёки уни тасдиқлаштириш, рўйхатдан ўтиш, қўйинги, барча-барчаси халқимизнинг жонига теккан эди.

Бугун-чи? Вазият мутлақо ўзгача. Буни одамларнинг "Бўлар экан-ку", деган биргина эътирофидан ҳам билиш мумкин.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари одамларни сарсон-саргардон қилмайди, аксинча, сифатли хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади. Халқимизнинг мамнунлиги ҳам шундан.

Давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида Адлия вазирлиги ҳузурда Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий тузилмалари ташкил этилди. Уларда аҳолига кенг турдаги хизматлар кўрсатиляпти.

Маълумотларга кўра, республика бўйича марказлар томонидан ўтган йилнинг бошида фуқароларга жами 37 турдаги давлат хизмати кўрсатилган бўлса, ҳозирги кунга

келиб бу кўрсаткич 120 тага етди ёки қарийб 3,3 баравар ошди. 2020 йилга қадар хизматлар турини 160 дан ошириш кўзда тутилган.

2017 йилда 120 мингга яқин фуқаролар ДХМга мурожаат қилиб ишини битирган бўлса, ўтган йилда 4,9 миллион нафар кишига давлат хизматлари кўрсатилган. Жорий йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич қарийб 8,9 миллион нафарга етди.



Парламент ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борган мазкур мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисини жорий йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлисда давлатимиз мамлакатимиз тарихида илк бор қабул қилинган "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни муҳокама қилинади. Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги, "Волонтерлик фаолияти тўғрисида"ги, "Қасаба уюмлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари кўриб чиқилади.

Ялпи мажлис кун тартиби доирасида "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастурининг 2019 йил учинчи чорагидаги ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилади.

Бундан ташқари, сенаторлар тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби такомиллаштирилиши, бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонунларни кўриб чиқади.

Сенат аъзолари томонидан "1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга доир Баённомани (Москва, 1997 йил 28 март) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳам муҳокама қилинади.

Шунингдек, Самарқанд шаҳри ва Самарқанд тумани чегараларини ўзгартириш ҳамда бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Сенаторлар Вазирлар Маҳкамасига давлат божхона хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати, арзон уй-жойлар қурилиши, газ, электр таъминоти билан боғлиқ парламент сўровлари юбориш масалаларини ҳам муҳокама қилади.

Олий Мажлиси Сенати кўмиталари ва девонининг йиғирма тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириш мақсадида ишни гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.



БИЗ ва ЖАҲОН

Ричард Виз:

«Кўплаб америкаликлар Ўзбекистонни бориб кўришлари ва бу гўзал диёрнинг бой тарихий-маданий мероси ҳақидаги билимларини бойитишларини истайман»



Яқинда Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида Халқаро тадқиқотчилар клубига аъзо 160 нафар етакчи тадқиқотчи ҳамда олимлар иштирокида брифинг ўтказилди.

Бундан кўзланган мақсад уларни мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасида рўй бераётган ўзгаришлар, шунингдек, диёримизнинг бой тарихий-маданий мероси билан яқиндан таништиришдан иборат эди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Халқаро тадқиқотчилар клуби Америкадаги кўп тармоқли жамият бўлиб, 1905 йилда Нью-Йорк шаҳрида иш бошлаган. У бутун дунёдаги олимлар ва мутахассисларни ўзида бириктирган. Фаолияти илмий ҳамда амалий излашларни ривожлантиришга кўмаклашишга қаратилган. Хар йили тадқиқотчилик йўналишида эришилаётган муваффақиятлар ва янги кашфиётларга бағишланган конференциялар уюштириш клуб аънасосига айланган.

Шимолӣ кўтубга илк бор қадам босган Роберт Пири ва Мэтью Хенсон (1909 йил), Жанубий кўтубга биринчи бўлиб борган Руаль Амундсен (1911 йил), Атлантика океани устидан дастлаб ёлғиз ўзи учиб ўтган Чарльз Линдберг (1927 йил), Эверест чўққисини ҳаммадан олдин забт этган Эдмунд Хиллари ва Тенцинг Норгей (1953 йил),

Ойга илк бор қадам қўйган Нил Армстронг ва Базз Олдрин (1969 йил) мазкур клуб аъзолари бўлгани ҳам унинг нуфузини кўрсатади.

Ўзбекистон элчихонаси мезбонлик қилган тадбирни юртимиз дипломатик миссияси раҳбари Жавлон Ваҳобов очди. У меҳмонларга Самарқанд, Бухоро, Хива каби бетақдор шаҳарларимиз ҳақида сўзлаб берди. Хусусан, қадим кентларимиз Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйишда етакчи роль ўйнагани, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганига алоҳида ургу берди. Ўз навбатида, олимлар эътибори кўп миллатли Ўзбекистон маданиятининг ранг-баранглигига қаратилди.



Конституциямиз қабул қилинганнинг 27 йиллиги олдида

Муваффақиятларимизнинг ҳуқуқий пойдевори

«Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади...»



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат истиқлоли ҳамда тараққиёт йўлини белгилаб берган асосий ҳуқуқий манбадир. Бош Қомусимизда ифодаланган тамойиллар жамият равнақи ҳамда инсон манфаатларига қаратилган. Буни барча соҳада, хусусан, таълим тизимида рўй бераётган ўзгариш ва туб янгиланишлар мисолида ҳам яққол кўриб, унинг фаол иштирокчиси бўлиб турибмиз.



ИНТЕРНЕТ НАРХИ ВА ТЕЗЛИГИ ХАЛИ ШУНДАЙ БЎЛАДИКИ...

"UZ" доменида рўйхатдан ўтганлар сони 71 мингдан ошди. Хўш, бу кўрсаткичга қандай эришилди?

Бунга, аввало, Ўзбекистонда АКТ тармоғининг шиддатли тараққиёти сабаб бўлмоқда. Натижалар ишга туширилаётган веб-сайт ва сервислар миқдоридан ҳам ўз ифодасини топаётди. Қолаверса, домен олиш учун тўланадиган ҳақ миқдори пайсади, домен ҳудуди маъмурияти томонидан янги рўйхатга олувчилар билан яқиндан изчил ҳамкорлик йўлга қўйилди. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон домен базорининг асосий иштирокчилари билан муносиб рақобатлаша олади.

Қарор ва ижро

Албатта, бу каби ютуқлар давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қароридан бел-

гилла берилган устувор вазифалар ижроси билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги ҳаётимизни мобил алоқа воситалари ва интернет тармоғисиз тасаввур этиш қийин. Ҳатто умумий ўрта таълим мактаби ўқувчисига замонавий

қурилмалар асосида дунё ахборот маконидан ўзига зарур маълумотларга эга бўляпти. Юртимизда ҳозирги кунда интернетдан фойдаланувчилар сони 20 миллиондан орттири ташкил этади.

Бу борада юртдошлари-



лик кўришни баҳолаш учун ЕХХТ ДИИХБ миссияси вакиллари таклиф этилган эди. Уша даврда республикамизда бўлган ЕХХТ ДИИХБнинг Эктиёжларни баҳолаш бўйича миссияси (ЭБМ) мамлакатда эркин ва демократик сайловлар ўтказилишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирларни ижобий баҳолаганди.

Юртимизга таширф буюрган сайловни кузатиш миссияси сайловни баҳолашда ЕХХТ мажбуриятлари, демократик сайлов ўтказилишининг халқаро стандартлари ва талаблари ҳамда миллий қонунчиликка таянади. Кузатувчилар сайлов кампанияси тадбирларини, сайлов маъмурияти ва мутасадди ташкилотлар фаолиятини, қонунчиликка риоя қилиш жараёнларини кузатади. Экспертлар сайлов тадбирлари оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини мониторинг қилиб боради.

ЕХХТ ДИИХБ кузатувчилари чекланган миссиясининг ўттизга яқин кузатувчилари қатнашган аввалги парламент сайловларидан фарқи ўларок, бўлажак сайловларда у юзга яқин вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Сайлов куни кузатувчилар сайлов ўқатқаларини очилиши, овоз бериш, овозларни санаш ва унинг натижаларини тақдим қилиш жараёнларини кузатади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»)



САЙЛОВ — 2019

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан "Қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳит — барқарор ривожланиш гарови" сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

2-саҳифага қаранг.

Ўзбекистонга ЕХХТ ДИИХБнинг сайлов жараёнларини кузатиш бўйича тўлақонли миссияси ташриф буюрди

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ДИИХБ) сайлов жараёнларини кузатиш бўйича тўлақонли миссияси жорий йил 22 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларни кузатиш мақсадида юртимизга ташриф буюрди.

Миссияни италиялик Каэтана Де Зулуэта Оутрам бошқармоқда. Миссия таркибидан сиёсий, сайловлар, юридик ва ОАВ масалалари бўйича экспертлар ўрин олган.

Халқаро кузатувчилардан иборат делегация аъзолари Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан учрашди. Унда мамлакатимизда сайлов қонунчилиги халқаро стандартлар ва ижобий хорижий амалиётга мувофиқ такомиллаштириб борилаётганлиги, шунингдек, илк бор сайлов билан боғлиқ барча ҳуқуқий меъёларни ўз ичига қамраб олган яхлит қонун ҳужжати — Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси қабул қилинганлигига алоҳида ургу берилди.

Марказий сайлов комиссияси Раиси М. Абдусаломов бу борада сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, сайлов комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Бу йилги сайловларда 20 миллион 600 минг нафарга яқин сайловчиларнинг овоз бериши кутилмоқда. Уларнинг 2 миллиондан ортигини биринчи марта сайловда қатнашадиган ёшлар ташкил этади.

Марказий сайлов комиссияси маъмуриятини йўлга қўйишда етакчи роль ўйнагани, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганига алоҳида ургу берди. Ўз навбатида, олимлар эътибори кўп миллатли Ўзбекистон маданиятининг ранг-баранглигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУЎЎИТ — БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИ



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция қилишни унчун жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш, саноатнинг юқори технологияли тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантириш, рақобатбардос маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат тарафдоридир.

Шу маънода, мамлакатимизнинг “Бизнесни юритиш”, глобал рақобатбардошлик (GCI), инновациялар (GII), саноатнинг рақобатбардошлиги индекслари бўйича дунёнинг етакчи 50 та давлати қаторидан ўрин эгаллашига кўмаклашиш партиянинг энг муҳим вазифалари сирасига киради. Ҳўш, бу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш борасида партия қандай иш режа ва сайловолди платформасига эга? Партиядан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратамиз.

«Солиқ — 2025» стратегиясини ишлаб чиқиш — давр талаби

Дилшод РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Молия кафедраси мудири:



— Партиямиз давлат иқтисодий сиёсати самарасининг бош мезони — мамлакат рақобатбардошлиги, фуқаролар ҳаётининг сифати ҳамда оилалар фаровонлигининг изчил ва жадал юксалишида, деб ҳисоблайди.

Макроиктисодий барқарорлик, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, Давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини содалаштириш, молия бозори барқарорлигини таъминлашга қаратилган мўтадил қатъий пул-кредит сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган макроиктисодий сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг бирдан-бир самарали йўли — бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришдан иборат.

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилган самарали ислохотлар натижасида ўтган 5 йил давомида ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши таъминланди. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми валюта соҳасидаги эркинлаштириш сиёсати натижасида жорий йилда 2017 йилдагига нисбатан 1,5 баробарни ташкил этиши кутилмоқда. Яъни 2017 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 1 163 АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2019 йилда 1 775 АҚШ долларидан иборат бўлиши мумкин (2018 йилда ушбу кўрсаткич 1 533 АҚШ

долларини ташкил этган эди). Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлик соҳасини эркинлаштириш натижасида ялпи ички маҳсулот таркибидан саноат улуши 2014 йилда 18,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунига кўра, 28 фоиз бўлиши кутилаётган (2018 йилда 26,3 фоиз эди). Бундан ташқари, ялпи ички маҳсулот таркибидан қурилиш 5,1 фоиздан 5,7 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги 30,3 фоиздан 32,4 фоизга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Солиқ соҳасини либераллаштириш, тадбиркорлик субъектлари солиқ юкни камайитириш борасида олиб борилган ишлар натижасида ЯИМ таркибидан соф солиқ улуши 10-11 фоиз оралиғида бўлди.

Шунинг учун ҳам партиямиз янги таҳрирдаги Солиқ кодексига тегишли тақлифлар киритиш ва **“Солиқ — 2025” стратегиясини ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблайди.** Унда иқтисодиёт ва ҳўжалик субъектлари учун солиқ юкни янада камайитириш, солиқ ставкалари узоқ муддат ўзгармаслигини кафолатлаш ҳамда солиқ тўловчиларни бу борадаги ўзгаришлар юзасидан камида 2-3 йил олдин хабардор қилиш ҳамда тадбиркорлардан солиқ мажбуриятини тўлиқ бажаришни талаб қилиш баробарида, улар манфаатини тўла ҳимоялаш каби масалалар ўз инфодасини топади.

Шоира ҲАЙДАРОВА,
Қашқадар вилояти Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари:



— ЎзЛиДеП мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳаси улушини изчил ошириш эъзига аҳоли бандлиги ва оилаларнинг фаровонлигини таъминлаш тарафдори.

БМТнинг жаҳон мамлакатлари фаровонлиги даражасини ўрганувчи маркази томонидан тайёрланган “Бахт индекси” рейтингига Ўзбекистон 156 давлат ўртасида 41-урини (2018 йилда 44-урини, 2017 йилда 47-урини) эгаллаган. Маълумки, яшаш шароити яхшилиги, барқарор даромад, тиббиёт, таълим хизматларидан фойдаланиш, ўзи хоҳлаган ахборотни олиш, саёхат қилиш ва бошқа шу каби хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлиш инсоннинг бахтлилик даражасини белгилайди. Булар, ўз навбатида, хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ.

Яққол далил: “Бахт индекси” рейтингига биринчи 10 талikka кирган давлатларда, яъни Финляндия, Дания, Норвегия,

Исландия, Нидерландия, Швейцария, Швеция, Янги Зеландия, Канада, Австрияда хизмат кўрсатиш ҳажми ЯИМ таркибидан 55 — 80 фоизга тўғри келади.

Ўзбекистонда эса ушбу кўрсаткич 35,6 фоизни ташкил қилади. Агар инсоннинг бахтли бўлиш даражаси шунга боғлиқ бўлса, аҳоли-мизнинг янада бахтли яшашини унчун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масаласини устувор вазифа сифатида қўйишимиз мантиқан тўғридир.

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда 2018 йил якуни бўйича хизматлар таркибидан транспорт хизмати 29,3, савдо 26,3, молия хизматлари 14,1, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,8 фоизни ташкил қилиб, бошқа йўналишларга нисбатан устуворлик касб этган. Яшаш ва овқатланиш 3,1, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар 3,3, таълим 3,6, шахсий хизматлар 2,5, ижара хизматлари 2,2, архитектура соҳасидаги хизматлар 2 фоизга тўғри келган

Тадбиркорлик кодекси юртимиз иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади

— Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу саъй-ҳаракатларнинг бир қисми соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш бўлса, яна бир қисми эркинлаштириш билан боғлиқ.

Тахлилларга кўра, кўрилган ана шу чоралар натижасида 2017 йилнинг 1 январидан 2019 йилнинг 1 октябрга қадар 141,9 мингта кичик бизнес субъекти ташкил қилинди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган жами кичик тадбиркорлик субъектлари 323 мингдан иборат. Бу мамлакатимизда ҳар 100 нафар кишига биттадан кичик тадбиркорлик субъекти тўғри келади, деганидир.



Бахтиёр РУҲИДДИНОВ,
ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси бўлим мудири:

Шу ўринда таққослаш учун бир маълумотни келтирмақчимиз:

- ✓ **1,5 млрд.га яқин аҳолиси бор Хитойда ҳар 23 нафар фуқарога,**
- ✓ **147 млн. нафар аҳолиси бор Россияда ҳар 18 нафар фуқарога,**
- ✓ **512 млн. аҳоли истикомат қилувчи Европа Иттифоқида ҳар 17 нафар фуқарога,**
- ✓ **327 млн. нафар аҳолиси бор АҚШда ҳар 9 нафар фуқарога биттадан тадбиркорлик субъекти тўғри келади.**

Шундан ҳам кўришиб турибдики, бу кўрсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига киришимиз учун корхоналар сонини яна 5 мартага кўпайтиришимиз керак бўлади.

Шу маънода, биз тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида янги эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ва мавжудларнинг фаолиятини самарадорлигини таъминлаш, экспортни рағбатлантириш ҳамда кўмаклашиш орқали унинг номенклатураси ва география маконини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти ва бошқа иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиши учун барча зарур шарт-шароитни яратиш тарафдоримиз.

Тан олиш лозимки, кейинги йилларда соҳадаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашга қаратилган саъй-ҳара-

катлар туфайли тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш жараёналари кескин содалаштирилди. Дақиқалар ичида рўйхатдан ўтиш имконияти яратилди. Бироқ корхоналар томонидан фаолиятни амалга оширишда юзага келаётган айрим муаммолар ҳали-гача сақланиб қолаётгани тадбиркорлик субъектлари “умр мавжуди” даражаси яшиланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг сабаблари таҳлил этилганда, тадбиркорлик жараёнида ҳуқуқни қўллаш жараёналарининг мураккаблиги, бюрократик тўсиқлар ҳали ҳам мавжудлиги, айрим фаолият турларига рухсат бериш тартиб-таомиллари қийинлиги яққол кўринади.

Бизнес соҳасига оид қонунчилик хатловдан ўтказилганда бугунги кунда

14 мингдан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари айнан шу соҳани тартибга солишга қаратилганлиги аниқланди. Тадбиркорликни бошламоқчи бўлган фуқароларимизга, албатта, ушбу ҳужжатлар билан танишиб чиқиш бир томондан қийинчилик туғдирса, иккинчи томондан чалқашликларга йўл қўйишига сабаб бўляпти.

Демак, соҳани ривожлантириш учун, аввало, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, қонун ҳужжатларини тизимлаштириш ва ягона тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳуқуқий ҳужжат яратилиши лозим.

Шунинг учун партиямиз айнан тадбиркорлар ҳаракати сифатида бизнес юритишнинг олис истиқболга мўлжалланган имкониятларини таъминлаш, соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари мавжудлиги ҳамда давр талабидан келиб чиқиб, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ва либераллаштириш мақсадида **Тадбиркорлик кодексини** қабул қилиш тақлифини ўзининг сайловолди дастурида илгари сурмоқда.

Бу кодексни давлат ва маҳаллий бошқаруш органлари, тадбиркорлар билан биргаликда ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ.

Унда тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик субъектларининг турлари ва шакллари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу фаолиятнинг асосий кафолатлари, бунга рухсат бериш мезонлари ва ваколатли органлар, соҳани давлат томонидан тартибга солиш, рўйхатдан ўтказиш тизими, тадбиркорлар устидан давлат назорати, ушбу фаолиятнинг иқтисодий ва ижтимоий қондалари, монополияни чеклаш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, товар ва хизматлар сифати тизими, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштироки, уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва имтиёзлар, тадбиркорлик субъектларини ўртасидаги ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатлар тизими ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш тартиби ва бошқалар акс эттирилиши керак бўлади.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти янада ривожланишига, аҳоли бандлиги ва даромадлари ошишига ҳамда давлатнинг иқтисодий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Ягона Инвестиция кодекси инвесторлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қила олади



Ахтам НАЗИРКУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадларининг ошиши, янги иш ўринлари яратилиши ва инсонлар учун фаровон ҳаётнинг таъминланиши инвестиция билан узвий боғлиқ. Шу сабабли партиямиз Бизнес-омбудсман билан бирга ишлайдиган **Инвестицион омбудсман институтини** ташкил этиш, хорижий сармоядорлар учун тайёр инвестиция пакетларининг электрон базасини шакллантириш ва тақдим этиш тизimini ишлаб чиқиш, сармоя жалб қилишда “парламент” партия ва бизнес дипломатия”си институтларидан кенг фойдаланиш, қўшни давлатлар билан савдо айланишини рағбатлантирувчи механизмни ривожлантириш, етакчи халқаро ва хорижий молия институтлари билан алоқаларни кенгайтириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланишни таъминлаш тарафдори.

лозимки, инвесторларнинг ишончи фақатгина уларнинг ҳуқуқи қонун билан тизимли ҳимоялангандагина юзага келади.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, инвестиция жараёналари, асосан, 3 та, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда 100 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинмоқда.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўзгарувчанлиги, қонунлардаги ҳаволали нормалар кўплиги инвестициявий муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, сармоядорларнинг ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Ўрганишлар давомида аниқланган муаммолар, инвесторлар тақлифлари соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш, тизимга солиш, яхлитлаштириш ва инвесторларнинг фойдаланиши учун қулай шаклга келтириш зарурлигини кўрсатди.

Шак-шубҳасиз, ўтган 3 йилда юртимизга хорижий инвестицияларни жалб қилиш борасида муайян натижалар билан бирга, маълум бир тажрибага ҳам эга бўлдик.

Ана шу тажрибаларимиз инвесторлар билан қандай ишлаш лозимлиги, инвестицияни иқтисодиётнинг қайси тармоғига жойлаштириш муҳимлиги ҳамда хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун нима қилишимиз кераклигини кўрсатди.

Инвестиция жараёнида энг муҳим масала, бу — инвесторлар ишончи. Айтиш

бу борадаги ҳулосаси аниқ. Яъни қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш, янги иш ўринлари яратиш, қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларини унификация қилиш ва такомиллаштириш орқали Инвестиция кодекси ишлаб чиқи-лиши зарур, деб биламиз.

ЎзЛиДеП томонидан ишлаб чиқиляни режалаштирилган бу кодексда куйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ✓ **давлат инвестиция сиёсатининг муҳим устувор йўналишларини аниқ белгилаш,**
- ✓ **қулай инвестиция муҳитини шакллантириш учун давлат ва маҳаллий бошқаруш органларининг вазифалари ва мажбуриятларини аниқлаштириш,**
- ✓ **инвестициялар, инвесторлар турлари ва шакллари аниқ белгилаш, инвестиция киритиш жараёни ҳисобини юритиш тизимини жорий этиш,**
- ✓ **инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда ҳудудлар салоҳиятини, хом ашё, меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш тамойилига қатъий риоя этиш,**
- ✓ **инвестиция киритиш жараёнида инвесторларга ер участкалари, бўш бинолар ажратилиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштириш билан боғлиқ масалаларни аниқлаштириш,**
- ✓ **инвесторларга Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ масалаларни акс эттириш,**
- ✓ **маҳсул иқтисодий ва кичик саноат зоналари мақомини аниқ белгилаш,**
- ✓ **валюта операцияларидаги устуворлик ва эркинликларни кўзда тутиш,**
- ✓ **инвестиция киритганлик учун солиқ ва бошқа турдаги имтиёзларни қўллаш қондаларини аниқ белгилаш.**

Биз **Инвестиция кодекси қабул қилиниши** инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлигини таъминлаш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш, шунингдек, инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Самарали сервис иқтисодиётга эга янги Ўзбекистон

бўлса, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизматларнинг улуши анча паст.

Хизматлар соҳасида транспорт хизматлари энг юқори улушга эга бўлса-да, сифат ва нархлар бўйича муаммолар кўп. Шу билан бирга, рухсат бериш соҳасидаги мураккабликлар бу йўналишда норасмий фаолият юритаётганлар сонининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Савдо соҳасида ҳам шундай муаммолар мавжудлиги боис хизмат кўрсатиш сифати юқори эмас. Ма-

салан, маҳсулотни сотиш санъати ва маркетинг ёндашуви бўйича ишларни ташкил қилишга санқли тадбиркорлар эътибор беради, холос. Молия-банк соҳасида қайта молиялаш ставкасининг юқорилиги, кредит ресурсларининг қийматлиги ва банкларда ресурслар тақчиллигини ҳам айтиш лозим. Алоқа ва ахборотлаштириш йўналишида эса интернет тезлиги, нархи ҳамда камрови нуқтаи назаридан қўшни давлатлар билан солиштирилганда мавжуд ҳолат ижобий эмас. Бу

каби муаммоларни хизмат кўрсатишнинг бошқа соҳаларида ҳам кузатиш мумкин.

Шунинг учун соҳани ривожлантириш, инсонларнинг бахтли бўлишлари ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун ЎзЛиДеП ўз сайловолди дастурида **2020 — 2025 йилларда республикада хизмат кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқиш** ва уни ҳаётга татбиқ этиш масаласини кун тартибига қўймоқда.

УШБУ ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТДА:

- ✓ **биринчидан,** хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларини ташкил қилиш, фаолиятни юритиш, айрим турдаги фаолиятларга рухсат бериш билан боғлиқ ҳужжатларни танқидий хатловдан ўтказиш орқали содалаштириш ва тадбиркорлар учун қулай шаклга келтириш;
- ✓ **иккинчидан,** алоқа ва ахборотлаштириш ҳамда молия хизматларини кенгайтириш орқали рақамли иқтисодиётга ўтишни жадаллаштириш ва иқтисодиётда молиявий ресурслар ҳажмини ошириш;
- ✓ **учинчидан,** савдо соҳасига янгича технологияларни жорий этиш орқали ишлар ва хизматларни “сотиш санъати”ни ривожлантириш;
- ✓ **тўртинчидан,** иқтисодиётда хизмат турларини кескин даражада кенгайтириш, янги маҳсулотларни яратишни рағбатлантириш учун халқаро тажрибаларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ қилишнинг қулай тизимини яратиш каби қатор долзарб вазифалар кўзда тутилиди.

Бу вазифаларни рўёбга чиқариш, аввало, аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишга, муҳими, халқимизнинг бахтли ҳаёт кечиришига хизмат қилади.

Умуман, партиямизнинг бош мақсади мамлакатимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш орқали шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг бахтиёр ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборатдир.

ИНТЕРНЕТ НАРХИ ВА ТЕЗЛИГИ ҲАЛИ ШУНДАЙ БЎЛАДИКИ...

Оператор ва провайдерлар томонидан фойдаланилаётган интернет каналлари тезлиги қарийб 1,5 баробар оширилиб, 650 Гбит/с.га етказилди. Бунда интернетдан фойдаланиш нархлари кўпчиликини қизиқтириши табиий. Ҳозирги кунда интернет каналларининг улгуржи нархи 1 Мбит учун 70 минг сўми ташкил этади. Бу жорий йил бошидаги нисбатан 28 фоиз арзонлашганидан дарак беради. Нархлар янада туширилиши ва хизмат сифати оширилиши билан боғлиқ ишларни ҳозир ҳам изчил давом эттирялми.

мавжуд коммутация станциялари IMS технологияси асосида модернизация қилинади. Магистраль телекоммуникация тармоғи ўтказувчанлиги вилотлар марказларига 4 баробар оширилади. Ўзбекистон катта сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига ўтказилди. Ўзбекистон катта сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига ўтказилди. Ўзбекистон катта сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига ўтказилди.

бўйича 343 нафар мутахассис шуғулланмоқда. Соҳа тараққиёти, биринчи навбатда, замонавий кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Инха университетиде таълим жараёни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Жумладан, ҳар икки олий таълим муассасасига хорижий мамлакатлардан 37 нафар профессор-ўқитувчи жалб этилгани таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

Коммуникация технологияларини нафақат шаҳарлар, балки олис қишлоқ ҳудудларида ҳам жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, жорий йилда ҳўжалик юритувчи субъектлар, телекоммуникация тармоқлари оператор ва провайдерлари томонидан 650 дан ортиқ Wi-Fi орқали интернетга уланиш нуқталари ишга туширилди. Кенг полосоли технологиялар асосида юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиш хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сони 1,2 млн.га етказилди.

юқсак масъулият юклайди. Яъни сайловларда фойдаланиладиган барча коммуникация технологиялари бугунги кун талабларига мутлақ мос бўлиши шарт. Шу асосда Марказий сайлов комиссияси ҳамда ҳудудларда иш бошлаган Халқаро матбуот марказида Сайловчиларга тезкор ахборот бериш маркази (Call-center) фаолияти йўлга қўйилди. Мамлакатимиз бўйлаб абонентлардан марказга чиқувчи бепул кўнтриклар амалга ошириладиган кўп тармоқли ва қисқа рақамли алоҳида алоқа линияси ажратилди. Мазкур юмушлар билан ахборот-коммуникация технологиялари

Тошкент ахборот технологиялари университети тузилмасида ўзбек — беларусь қўшма факультети ташкил этилди. Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг 1,6 млн. долларга тенг техник гранти асосида Ўқув медиа маркази фойдаланишга топширилди. Бу саъй-ҳаракатлар ёшларимизни халқаро талаблар бўйича ўқитишга замин яратяди. Умуман айтганда, келажак ахборотлашган жамият билан чамбарчас боғлиқ. Телекоммуникация инфратузилмасини тараққий этирилиши ҳамда ахборот технологиялари ҳаётга изчил жорий этилиши ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бинобарин, ҳудудларда интернет хизматлари тезлигини ошириш мақсадида Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки имтиёзли кредитлари ҳисобидан қиймати 85,5 млн. долларга тенг 2 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида

фаолияти йўлга қўйилди. Мамлакатимиз бўйлаб абонентлардан марказга чиқувчи бепул кўнтриклар амалга ошириладиган кўп тармоқли ва қисқа рақамли алоҳида алоқа линияси ажратилди. Мазкур юмушлар билан ахборот-коммуникация технологиялари

Қаҳрамон ЮЛДАШЕВ, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари.

Ислоҳот

Сингапур "иктисодий мўъжизаси" муаллифи Ли Куан Юдан "Қандай қилиб миттигина давлатда мўъжиза ярата олинган?" деб сўраганида, у шундай жавоб берган экан: "Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги мўъжизаларни қилган инсонлар муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтар авлодни этиштириб бердилар. Бунинг учун улардан миннатдоримиз".

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётида таълим, илм-фан ҳал қилувчи роль ўйнайди. Юртимизда ушбу соҳаларни сифат жиҳатидан ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани замирида ҳам бугунимиз ва эртаимиз порлоқ бўлишини, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш истаги мўъжасам. Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишларни жадаллаштириб юборди.

Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг флагманга айлантириш, камида яна 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътибор этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш вазифаси белгилаб берилди.

Хўш, дунёдаги энг машҳур олий ўқув юртлари қандай аниқланади? Улар қаторига қўшилиш учун ни-

малар қилишимиз керак? Ушбу саволларнинг жавоби кўпчиликини қизиқтириши аниқ. Халқаро тахрибада олий ўқув юртлари фаолияти олти мезон-

ташланди. Буни нафақат университет ҳаёти, балки жамиятимиз, иқтисодий раванга йўлидаги олижаноб иш сифатида тушуниш лозим. Ахир билимли кадрлардан бутун мамлакат манфаатдордир. Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университетиде 17 мингдан зиёд талабалар тахсил олаётган бўлиб, уларга 1200 га яқин профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқда. Ўқув аудиториялари замон талабига жавоб берадиган техник воситалар билан жиҳозланиб, дарс жараёнларидан интерфаол усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

бўлган талаби, албатта, инobatта олинган зарур. Бунинг учун таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириб, юқори босқич талабаларнинг амалиёти бўлажак иш жойлариде тахсил этилиши айна мудида бўлади. Натижада корхона талабига мувофиқ, колган 1-2 йилда қўшимча фанлар чуқурлаштириб ўқитилади.

Шу билан бирга, олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот ишлари натижасини SCOPUS библиографик маълумотлар базасига киритганларни гуноҳор бериш орқали рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш, хорижий талабаларни ўқишга жалб этишда мақсус грантлардан фойдаланиш, чет эл мутахассислари, ўқитувчиларни

га мувофиқдир. Агар хорижий педагогларга уларнинг олдинги иш ўринларидаги маош даражаси сақлаб қолиниб, ўзларига қулай бўлган мавсум ва вақтда дарс ҳамда илмий тадқиқот ишлари учун шароит яратиб берилса, фаолиятини юртимиз билан боғлашга бажонидил рози бўлади.

Тўғри, мақсад улкан, республика олий ўқув юртлари олдида қўйилган вазифалар эса масъулиятли ҳамда ўта шарафли. Буни ҳар бир олий таълим муассасаси жамоаси, профессор-ўқитувчилари чуқур ҳис қилган ҳолда ишласа, амалиётга инновацияларни қўйла-са, тез орада халқаро ташкилотлар эътибори ва эътирфига сазовор бўлишимиз мукарраб.

Баҳоқирхон САҒАРОВ, Самарқанд давлат университети иқтисодий ва бизнес факультети декани, и.ф.д., профессор, Ахтам НИЗАМОВ, мақсур университет доценти.

УНИВЕРСИТЕТЛАРИМИЗ НУФУЗЛИ РЕЙТИНГЛАРГА КИРАДИ

га кўра баҳоланади. Булар — илмий обрўси (40 фоиз), иш берувчилар уртасидаги обрўси (10 фоиз), профессор-ўқитувчиларнинг талабалар сонига нисбатда (20 фоиз), илмий чоп этилган адабиётлардан келтирилган иқтибослар (2004 йилдан 2007 йилгача Thomson ва 2007 йилдан бошлаб эса SCOPUS библиографик маълумотлар базасида асосланган ҳолда иқтибос келтириш индекси (20 фоиз), хорижий талабалар ҳиссаси (5 фоиз) ва чет эллик ўқитувчилар ҳиссаси (5 фоиз).

Ана шунга таянилган ҳолда, тақдим этилган "QS World University Rankings — 2019" индикаторларига кўра, Массачусетс технология институту (АҚШ) 1-ўрин, Станфорд университети (АҚШ) 2-ўрин, Гарвард университети (АҚШ) 3-ўринни банд этган бўлса, Сингапур миллий университети 11-ўринни эгаллаб турибди.

Шу маънода, юртимиз таълим муассасаларини нуфузли олий ўқув юртлари сафига қўйиш борасида дастлабки муҳим кадам

Шу билан бирга, талабаларга муносиб шароит яратиш мақсадида ўқув бинолари ва ётоқхоналар жиҳозланиб, кубухоналар янги адабиётлар билан тўлдирилмоқда. Чет эллик талабалар учун яқинда 200 кишига мўъалланган ётоқхона фойдаланишга топширилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бу эса талабаларнинг билим сифати ошишига олиб келмоқда.

Бизнинг фикримизча, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларга эришиш учун буларнинг ўзи камлик қилади. Шундай экан, ҳар бир олий ўқув юрти "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиши, ушбу мақсад сари интилиб, пухта тайёргарлик кўриши лозим. Бунда юқорида саналган олти банддан иборат халқаро мезонга таянилиши лозим. Яъни олий даргоҳларнинг илмий обрў-эътиборини кўтариш учун ўз доирасида у иқтисодчи бўладими, физик ёки рессомми, ўз илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириши керак. Мутахассис тайёрлашда илгор корхоналарнинг кадрларга

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



QISHLOQQURILISHBANK

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки

юртдошларимизга миллий валютадаги қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

«Барақа»

Омонат муддати — 19 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллик 23 %.

«Фаровон»

Омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фоиз ставкаси — йиллик 21 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!



Мурोजаат учун телефонлар: 78-150-72-58, 78-150-93-39. www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган

бош офис биносининг том қисмидаги ойнапакетлар ва уларнинг туйнуқларини саноат альпинизми усулида гидроизоляция қилиш бўйича хизматлар хариди танловини эълон қилади.

Батафсил маълумотлар танлов ҳужжатида кўрсатилган ва банкнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган.

Тижорат таклифларини (оферталарни) юбориш учун манзил: 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуր шоҳқўчаси, 101-уй, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг ишлар бошқармаси департаменти. Хариднинг юқори нархи: 357 611 736 сўм, ҚҚС билан.

Тижорат таклифларини қабул қилиш 2019 йил 2 декабрь куни Тошкент вақти билан соат 16.00 гача амалга оширилади.

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 71-234-14-14, 71-238-56-50, 71-238-56-55, 93-380-06-66. Алоқада бўлувчи шахс — Ҳикматуллаев Рустам Ботирович, e-mail: r hikmatullaev@nbu.uz



«C and H Industry» МЧЖ ХК

Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Ғилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилоти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. (Мўлжал: «Турон» автосалони). Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03. www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Махсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табақ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.




Тажрибятта келган қўлабмақал тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят комитети марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг подгирфик жиятдан сифатдан чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5 6